

**“Ангрен логистика маркази” АЖ  
акциядорлари ва кузатув кенгаши  
аъзоларига**

**ХАБАРНОМА**

Сизга “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 26 июнь куни соат 11:00да Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг маъмурий биносида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:**

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Раиси ва йиғилиш котибини сайлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
7.	2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
8.	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2023 йил 20 июнь куни шакллантирилади.

Акциядорлар 2023 йил 26 июнь куни соат 10:00дан соат 11:00гача рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтиш учун акциядорлар фуқаролик паспортини, акциядорларнинг вакиллари фуқаролик паспортлари ва ишончномани тақдим этишлари шарт.

Кун тартибидаги масалалар бўйича материаллар ва маълумотлар билан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00дан соат 17:00гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, [www.clangren.uz](http://www.clangren.uz) расмий веб-сайти, [www.clangren@bk.ru](mailto:www.clangren@bk.ru) электрон манзил орқали танишиш мумкин.

**Кузатув кенгаши**